

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ

**ШЕРЬИЯТДА ИНСОН РУХИЙ
КАМОЛОТИ ТАЛКИНИ**

Шуҳрат СИРОЖИДИНОВ

ШЕЪРИЯТДА ИНСОН РУХИЙ

КАМОЛОТИ ТАЛҚИНИ

САМАРКАНД - ЗАРАФШОН 1992 й.

**Шуҳрат Сироҷиддинов.
ШЕЪРИЯТДА ИНСОН РУҲИЙ ҚАМОЛОТИ ТАЛКИНИ.**

"Зарафшон" нашириёти, Самарқанд, 1992, 52 бет

Масъул мухаррир - Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори
Б.Н. Валихўжаев

Тақризчилар : Филология фанлари доктори Ш.Шуқуров
филология фанлари номзоди К.Тоҳиров

Ислом олами ҳалқларининг маданий меросини ўрганишда тасаввуф гояларини ҳисобга олмасдан туриб, фикр юритиш мушкул. Ушбу диний -фалсафий таълимот инсонга ато этилган барча гўзалликларни, ҳаётий фароғат ва инсон камолотини тақомиллаштириш масалаларига дикқатни тортишга йўналтирилгандир. Ҳазрат Алишер Навоий бевосита ана шу диний, фалсафий таълимот таргиготчиси бўлганилиги асарларининг гоявий йўналишларидан яққол сезилади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолалар мажмуъасица Алишер Навоий ва Каттакўргон шоирлари, хусусан, Мирий ва Видоий ижодлари мисолида ўзбек адабиётида етакчи ўрин тутган диний ва фалсафий қарашлар, инсон руҳий камолоти масалалари ҳақида фикр юритилди.

Муаллиф маблаги ҳисобига нашр этилди.

©Ш.Сироҷиддинов, 1992,

ХАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

Алишер Навоий адабий мөъроси-бебаҳо маънавий ҳазрина, Ҳикоялари ғорим Нажмиддин Комишловининг эътирофи билан айтганда "тасаввуф ташнимотини билмай туриб, Алишер Навоий дунёкарани ва алабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теравиини билан тўник холда түрги ва ҳакконий ёритиб берини мушкуя". 1 Алишер Навоий ижодининг исхом манбаси - Бутун олам гўзалликларни нурларини ўзида мужассамлаштирган Ишқ атамаси қўзгу! Ундан-да шоир ижодининг бутуни сеҳру синоати, завку таровати мангулликка дохил!

Эй ишқ, гариб кимиё сен,
Бал ойинан жаҳоннамо сен
Ҳам зотинта дарж кимиёлик,
Ҳам ойинан жаҳоннамодик...
Хуршидни жаҳонкушой сенсен,
Миръоти жаҳоннамой сенсен,
Ким киради сенга назарни равшан
Кўран еру кўклагин муайян.
Чун боккали ихтиёр тонти

Ҳар сорики бокти ёр тонти. 2

Улуғ мутаффакир "ишқ" тушунгасини учга бўлади: "Аввалинг килем авом ишқидурки, авом ун-нос орасида бу машхур ва мюъедурким, дерлар: "Фалон фатонга очик бўлубтур". Ва бу цавъ кишини ҳар цавъ кишинига бўлса бўлур, шагаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсий эмас ва бу кисенинг бийикроқ мартабасен шарыйи ишқидурким, бари ҳалойикка суннатлур ва мубоҳ... Иккигина килем ҳавосе ишқидурким, ҳавосе ул ишқка мансублурлар. Ул пок қўйин пок наъир билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгил ул пок юз ошушибини кўзғолмоқ ва бу пок мағҳар воситаси била ишқи покбоз маҳбуби ҳакний жамолидин баҳра олмоқ... Учинчи килем спидиклар-ҳакгўйлар ишқидурким, улар ҳакнинг жамолини очик кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдурлар.

1. Камалак тўплами. Тошкент, 1990, 4-бет.

2. А.Навоий. Ҳамса / Нацрга тайёрловчи П.Шамсиев - Тошкент, 1960, 447-448-б.

Уларнинг Ҳаким кўз билан муншохала қишини умислари ўзини унуттиш даражасига етган ва бундан хам ўтиб, ҳалок бўлиш макомига қутарилсан бўласи. Агар ҳодисалар бўрони осмон гулшанининг бир кабатини учирив кетса - улар бехабар ва агар юлдузлар гуваргини ҳар томонига сувурса буларга асар қилимайди. Уларнинг хислари Ҳак жамоини кўрини ташинни билан ишдай чик кани шавк-завълари эса уни бўлан никларининг ҳужуми остида йўқолиб битган... 3

Навоий ўзини "Иккичи қисем" ишк аҳди каторига кўшиди ва бу жамо аниги узуллари сифатидаги АмирХисрав Декханий, Ҳожа Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийларни кўреатиб ўтади. 4

Алишер Навоийнинг барча асарларидаги мажозий ва ҳакиқий ишк бирга келади. Алишер Навоийнинг ўзи "Мажоздин максуди ҳакикат эканини изхор қилмоқ ва суратдин тарз майин эканини пайдор кистмоқ" деб номстанинг китъасидаги шундай ёзди:

Мажоздин манга максуд эрур ҳакиқий ишк.

Нединки, асси ҳакикатда бу тарикат эрур.

Мажоздин чу ҳакикатта йўл тоғар опик.

Кизур мажозини нафий узки, бехакиқат эрур.

Бирок Навоий ижодидаги мажоз билан ҳакикат шундай кориник холда келадики, дарвоке, бу факатгина Навоийда эмас, уларни ажратиб олини мункул. Шарқиуюс олим И.И.Петрунцевский тўғри айтганидек, тасаввуф поэзияси билан яқинроқ танини бўлмаган одам асарни ўқий туриб, ўзинингди қаринисига турғанинни ҳайдига хам келтирмайди. Баянда ишкни тасвирилар шунчалик ҳайтни, шунчалик ёрқин ифодасигандеки, ушибу асарларни суфиёна шарҳланган мушаррихларнини фикрлари соҳта ва қарабаки тузуга бойизлайди... 5 Шу жихатдан Навоийнинг юкоридаги эътирофи унинг мажоз ва ҳакикатини бирлаш куйдагансигини, аммо максал иккичини бўлганинини билдириб, мана иш критерийлар асосидаги унинг ижодига кўз ташлани лоялимепини уткиради. Бирок айтиб ўтиш жонзки, Навоий ҳаётни ва ижодини чукур текшириш шонирнинг баязи ўз кечинмасларини рўйрост көногза гуварганинни бундай ходжаларда

3. А.Навоий. Махбуб ул-кулуб: Асартар 15 томлик.-Ташкент.1966г. XIII жыл. -426. Учичи ишк гаърифи бу напридан туширилиб коттирилганлиги сабабли насрарий баён напридан олини. Каранг: А.Навоий "Махбуб ул-кулуб"-Ташкент.1983-54-6.
4. Ўшашердан.
5. И.П. Петрунцевский. "Челам в Иране" в VII-VIII вв.-Ленинград. Изд-во ЛГУ. 1966г. стр.340

тәгазалдаги ишкни Ҳакка бүлгән ишқ сифатида назарда тутиш уңынан түғри бұлмаслигини күрсатмокда. Ҳақиқат ва мажоз түшүнчелерини біз XIX аср ўзбек шоирлари ижодидә ҳам учратамиз. Жумалдан Оғадай:

Күнглума еткур сафо базми ҳақиқат жомидин,
Кім мажоз ичра кудуратлар етурміш ғам анга... 6
деса, Күлфат Тошкандий:

Мазоки жоннінға лаззат, қазо әрүр самари,
Тирози нахлы ҳақиқат ва гар хусули мажоз.
Агар мажозки ҳақиқатдин этмади тораңшүх,
Недін натижаси Махмуд бүлди ҳусни Аёз? 7

XIX аср охирида яшаган көттәкүргөнлиқ девон сохиби бүлгән Аваз Мухаммағ Видоний ижодидә ҳам:

Бүлса аымолинг мажозий деб, Видоний ноумид,
Бу әрүр ахборким, сирри ҳақиқатдур мажоз. 8

каби ва яна

Токи бу даврон ила мухолиғдур мажоз,
Охким, ғам жомидин нүш этгөннім хуноб әрүр. (52a)

тарзда байтлар учрайдіки, бу XIX аср зиёлділари ва шоирлари дүнекарашы ҳақида фикр юриттегендеги тасаввуфнан ҳисобға олмаслик нотүрги бүлшіліккі билдиради.

Шуннан учун ҳам біз шоирлар ижодини ўрганаётганимізды уларнан дүнекарашы, давр белгилаб берган диний-әдәсий нұнапашшлар негизінде фикр юритишимиз лозим. Тасаввуфдаги Илохнің тәніш назариясынан биностардың борлық, үндегі моддий ва матыннан осталынан ассоң Ҳақдир. Шундай бүлгандан сүнг барча гүзеликтарнан, инсоний барқамолдиккінен мазмунини Илох ташкил этади. Бас, орын Илохга интилар экан, моддий оламнан барча гүзеликтарға докайд қарай олмайды. У ҳар бир заррада Илохнің тажалліліктеріні сезали ва улардан завқланады, ҳамда борған сары Илохнан бескінек күч-кудрати, фусунқорлығын асир бўла бошлиайды. Асирлик уннан қалбіда илохий ишкни қўзғатади. Айниқса,

6. Оғадай. Тавиз ул-ошиқин. Девон. Тошкент, 1960. 45-бет.

7. Күлфат. Девон. Тошкент, 1985. 118-б.

8. Видоний. Девон. 556-варак. Мазкур ягона девон бизнинг шахсий архивимдеги сакланғаётганилардың сабаблы бундан сүнг, иқтибос сүнгидеги девон саҳиғасы күрсатилиши билан чекланамиз.

шоирлар ижодида ишк мавзусининг етакчи ўрин тутганлигидан суфийларнинг Илоҳ ишки билан накадар масрур ва маҳжур эканликлари кўриш мумкин. Шоирлар деялмиз, нега? Аввало суфийлар наздида сўз илоҳийдир. Улар тасвириб бўлмас кенгликларин камраб олган тахайолларини ифодалашдаги ожизликдан руҳан кийнағанлар. Навоий айтанидек, "Тилу хомам жаҳони тутти, аммо куснунгу ишқим-Қалам ҳам айлай олмас накшу тил доғи адо қиммоқ" осон иш эмас. Сўз мулкини ғаллаш бу-сирлар оламига (ғайб) кириш, унинг илоҳий кудрати сирларидан воқиф бўлици эди. Шу боис Ҳофиз Шерозий "Лисон ул-ғайб" (ғайб тили), Абдураҳмон Жомий "Кошифи сирри илоҳ" (илоҳ сирларини кашиф этган) унвонлари билан машхур бўлғанлар. Шу сабаб Шарқ бадиине имми лафз ва маъни таносублиги ва поэтик ифодалиш йўлларига қўп эътибор берган ва бениҳоя гўзал ташбиху тимсолларни ишлаб чиккан.

Навоий таъриф қилганча бор:

Сўз гўҳарига эрур онча шараф

Ким бўла одимас анга гавҳар садаф...

Жон ўлуб ул, рух анинг колиби

Ким танида рух-анинг толиби...

Айтса бу ҳусну малоҳат била,

Нуктани ойини фасоҳат била

Солғуси жинси бани одамга ўт,

Не бани одам, бари оламга ўт... 9

Шоирлар суфий-дарвишларнинг Маҳбуб ишқидаги дарду аямларини ифодаловчи Дўст, ҳамдард бўлиб ҳисобланганлар. Видони дундай ёзди:

Кимки бордур эътиқоди сидқ бирла ёри ишк

Билмагай озорини сончилса юз минг хори ишк.

Деди бу сўзин ажаб бир маҳзи содик манго,

Бил ҳимоётни йўқтур кўнглида осори ишк.

Зоҳиди ноқис на билсун ишк элининг қадрини

Илми ботин бирла то сайд этмайин тулзори ишк.

Бўлмасу маасту аласт ул орами ваҳдат ичib,

Не билур сайди сулук этмог била асрори ишк.

Айламанг ҳар бўлхавас ошиқлигига эътимод,

Ошиқ улдур, бўлса доим ғам ила бемори ишк.

Келди ҳар бир катра қонидин "Анал-Ҳақ"нинг уни,
Чектилар Ҳадложни то зулм ила бар дори ишк.
Эй Видоний, олам ахли демагай ошиқ сени,
Кечмайин дунёву мөфиҳодин улмай зори ишк. (66а).

Инсон илохий ишкка мубтало бўлдими, Махбуб жамолига
етишшиш йўлида ишқнинг ҳажридан вужудига юз минг тиканлар
санчиласа ҳам озорини сезмайди, балки Миррий айтганидек ўз
кўкрагини тутади. Зеро унинг олий мақсади битта - Нигорнинг
васлига етишса бўлгани:

Асири этмиш кўнгиллар зулғига ул сарви нўшинлаб,
Магар Юсуф юзидин мужда бермиш ул чаҳи габраб
Камон аброр парирўюмга ўқ отмоқ эмиш одат,
Нишон айлай бағир, шояд етушгай, отса ўқ ўйнаб. 10

Хатто бу дунёнинг молу дунёси ҳам, гулу гулзори ҳам керакмас:
Чун тушар ошиқ таниға ишк ўтишиниг шуъласи,
Ўйла шаҳлурким, эрур зарбофтдан хильят анго.
Ишк ўти бошига тушкач ким, ул ўтдин чикса дуд
Шоҳи заррин тож ила чатрига не ҳожат анго.

Навоний айтмоқти, қатби ишк ўти билан алангланган инсон
шоҳдир. ўт шуъласидан унинг тани зарбофт либос каби жилва қилур
ва ишк оташи зўридан оҳлари-дуди боши узра кўтарилса унинг
шоҳлигига тож ва соябон янглиғ исботдир. Шоир нима демокчи?
Шохнинг моддий дунёдаги давлати унинг ялтироқ зарбофт тўнидан
белгили бўлса, сенинг ишк мулкига сulton эканлигинг ҳам ишк
ўтидан кизарип турган вужудингдан маълум. Бу дунёнинг барча
ҳашимати ўткинчи ва унга ишк кўйиш бефойда. Бироқ сенинг
ишқнинг ҳакиқий, у руҳингни поклаб, абадий саодат манбай - Ҳаққа
кўшажак! Улуғ шоир мисраларига ҳамоҳанлик Видонийда ҳам кўзга
ташланади:

Токи эл бошидадур кўк атласи чатри васеъ
Бас на ҳожат айламоғ қасри зарандуд рафеъ...
Чекса бош гар сабзалар, чатринг уза ҳар соридин,
Дема бехикмат, эрурлар соя танингта шафсъ. (62а).

Шоир ошикларни моддий дунё неъматларидан воз кечишига
чакирмоклами? Ҳаққа кўшилажак руҳни қандай тушуниш мумкин?
Иби ал-Арабий Оллоҳнинг инсон руҳи билан кўшилиши ва
бирбутушигини эътироф этиб, дейди: "Сиздаги барча нарса -
їўкликка махкум (фоний), оллоҳдаги бокий. Биз унинг вужудидамиз

10. Миррий. Ташланган асарлар. Тошкент, Ўззадабийнашр, 1965.22-б.

ва у бизнинг вужудимиизда.” Демак, инсон қандайдир чизгилардан иборат тан ва рухнинг сохиби сифатида Ҳақ билан боғлиқ ва инсон оллоҳнинг вужудида мавжуд экан, у Оллоҳ вужудида мангу ҳаёт кечиради. Аммо шундай бўлса-да, Оллоҳ ва инсоннинг фарқи бор. Ибн ал-Арабий ёзди: Оллоҳ ва инсоннинг бир эканинтига қарамасдан, Оллоҳ бу Оллоҳдир, инсон эса инсондир.” Инсонга унинг тан-жасади оллоҳга тамоман қўшилиб кетишига йўл кўймайди. Инсон руҳи эса Ҳақ ва инсон орасидаги робита бўлиб хизмат қиласи ва ишқ билан чамбарчас боғлиқдир, яъни Ибн ал-Арабий уч хил ишқни кўрсатиб ўтади: “Билгинки, ишқ уч турда бўлади: табиии ишкки, ундан мурод ҳайвоний руҳдаги қўшилиш; руҳоний ишкким, бу - Оллоҳнинг ўз қулига (инсонга) ва қулнинг ўз парвардигорига ишқидир. У қулларини севади ва қуллар ҳам уни. Бу ишқнинг мақсади иккала томондан ҳам севиш. Қул ўзининг пайдо бўлишини ҳакнинг бир кўрининши деб билади. Бунда у руҳ сифатида танда вое бўлади. Шундан сўнг у Ҳақ учун севимлига айланади. Ишқнинг чегараси йўқ ва у орқали мабда (оллоҳ) танилади. Демак, инсон руҳи Ҳақ тажаллийсининг бир зарраси экан, у ҳамма вакт ўзининг мабдаси (асл макониға) қараб интилади. Бу жихатдан тан-руҳ зиндони эканлиги тўғридир. Айтиш мумкинки, Алишер Навоий ўзининг Ишқ таърифидаги фикрларида Ибн ал-Арабий ва бошқа тасаввуф оламининг буюк намояндаларни фикрларидан келиб чиққан экан. Кўриниб турибдики, Ибн ал-Арабийнинг иккincinnи тоифага кирувчи ишқ ахли таърифи Навоий таърифига айнан. Юкорида кўрсатиб ўтганимиздек, Навоий ўз салафларини, ўзини ҳам пар才算ор килиб шу тоифага киризади. Нега? Чунки Ибн ал-Арабий таъбири билан айтганда, аввало ишқ инсоннинг ақли ёки хиссиятларидан эмас, қалбida маскан тутган. Ишқ акл-хуш ва вужуд хиссиятлари билан ҳамиша рақобатда. Улар ишқни қисадилар ва у тёр анъаналар ва ташаккулот доирасида эзилади. Бу хусусда Мунииснинг ажойиб бир байти мавжуд:

Ақл ила ишқ ихтилофидан кўнгул бўлди ҳароб
Мулк вайрон бўлгуси тупис ароға ихтилоф.

Ишқ фақатгина Гўзаллик билан ошино. Гўзаллик, - дейди Ибн ал-Арабий ўзининг “Футуҳот ал-Маккия” асарида, - барча чарсаларда мужассам, шу сабабли дунё гўзал. Парвардигорнинг ўзи ҳақиқатда гўзал ва гўзалликни севади, кимки гўзалликни севса, Гўзални (оллоҳни) ҳам севади, кимки Гўзалини севса, дунёни ҳам севади.

Навоий шундай келтиради:

Муни билким, жаҳон фонийдур асрү,
Хакикат ахли зиндиnidур асрү....
Бу ким Ҳак айлади инсонни мавжуд,
Анга мавжудинин борча максуд.
Эрур Ҳак амрига маъмур бўлмоқ,
Бу ишдин ўзгадин маъзул бўлмоқ -
Чу маҳбуби ҳакикӣ улдурур ул,
Анинг васли сори катъ айтамоқ йўл...
Бу йўл ираки беҳад дардуғамдур,
Узок торгар, вате иккӣ қадамдур...
Биро ӯзлукни қилмоқ бўлди фоний
Яна бир доғи топимоқ бўлди они.
Киши ӯзлукни қўймай они топимас,
Тенгиз кечмай дури яктони топимас,
Бу ӯзлукдин кутулмоқ чора сози,
Нима йўқ ўйлаким ишни мажозий...
Мажозий ишқ бўлди субхи инвар
Ҳакикӣ ишқ анга хуршеди ховар...
Мажозий ишқдин ўрганса жонинг,
Бориб сайлии фанога хонумонинг.
Ҳакикӣ ишқдин эслай насиме,
Етиб онинг насимидин шамиме,
Бўлуб маъшуки аслий чорасозинг,
Ҳакикатга бадал бўлғай мажозинг. 12

Демак, яна Навоий таъбирига қайтадиган бўлсақ, пок кўз (инсон) пок инят билан (оллоҳ висолига етишичи ниятида) пок юзга (оддохнинг гўзаллиги акс этган маҳвашга) назар ташласи, пок кўнтил(ошиб рухи) у пок юзнинг (Ҳак инъикосининг) шавки-завки билан бекарор бўлади. Ва бу пок юз воситаси билан пок ошиб ҳакикӣ маҳбубнинг жамолидан баҳра олади, яъни Оллоҳнинг бекиёс гўзаллиги тажаллий этган маҳвашнинг жамоли орқали Оллоҳнинг ишқи ўти қалбини кўйдирган ошиб дили ором топади - у Ҳак висолига етишиандек ҳисоблайди ўзини. Демак ошиб гўзалликка синниади. Гўзаллик -Ҳак сиймоси. Ҳак сиймоси барча нарсаларда,

моддий оламдаги жамъики махлукоту мавжудотда иныкосини топган. Алишер Навоий мана шу Гўзалликнинг шайдоси бўлиб мажозда акс этган Ҳакиқатнинг ошиги бекарори эди.

ТАРИКИ ИШК

Мумтоз адабиётда, мазкур бўлганидек, Ёр мавзуси мана шу гоялар негизида ўаклланади. Барча сўфий шоирлар диккат марказидаги мажозий ёр тимсолида гўзаллик ибтидоси бўлмиши. Илоҳ образини гавдалантириш масаласи асосий планга кўтарилади. Айникса Алишер Навоийнинг туркий шеърият оламида тутган устодлик мавзеи кейинги шоирларнинг ижодидаги ишқ мавзуси билан боғлиқ қарашларининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Во қеан, ўзбек адабиётининг Ҳавоийдан кейин ўтган барча цамояндалари улуғ шоир ижодидан илҳомланадилар ва унинг қаращларини давом эттиридилар. Биз кўйида сўз юритмоқчи бўлган газал Очилдимурод Мирий қаламига мансуб бўлиб, муаллифнинг ва унинг замондошу ватандошлари бўлмиш XIX ислр ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари сафида жой олган кўпшаб шоирларнинг кайфияти ва дунёқарашини анча тўлик ўзида камраган. Биз ушбу маколамизни тўласинча мазкур газал таҳлилига бағишлашини максад қилдикким, уларнинг Ҳаҷрат Навоий билан гоявий муштараклик томонлари ҳам аён бўлгусидир:

Келур лайливашиб, мажнунлигимни ташн қилманлар,
Мадомат айлабон, бўйниларингиздан илниманлар.
Таріки ишқ бас каттиқ суъбатлиғ таріқ эрмииш,
Ризо дорини Мансури гар эмассиз, осилманлар.
Не чобуклар бу йўл қатъида қолмислар аёнидин,
Багоят саъб эрур, бу йўлни измини сахи билманлар,
Гаҳи тўфонга, тоҳ ўтга, гаҳи Жайхунга гарк айлар,
Асарсиз ишқ ила овараиғларда қирилманлар.
Кўюнг, ахбоблар, афғон чекиб, қонилар ютай гамдин -
Ки мен девонамен, девонани ёнига келманлар.
Фидо ул ой гамига айладим жон, вахки жон тондим,
Асар гар бўйладур, шавқида ўлмакдин тирилманлар.
Харобат ахли, ринд ахлиғадур майхона бас манзиш,
Риёлиғ шайху зўҳди худнамо, сиз мунда кирманлар.
Ул ой васлин истаб, елга бердим нанг ила номус,

Харими қурби гар йўқ, ит қаторидин айрманглар.

Ҳиманга Мирий бўқмас, шавқи тулзорий ватан қилгач,
Сиз эй ахбоб сабри боғ учун озор берманглар. 13

Ғазал ишқ манзусица бўлса ҳам, кўпроқ панд - насиҳат тарнида ёлигига бўлиб, бунда ишқи Фалсафасининг моҳиятини очиб берган. Ишқ тариқига явни ишқ йўлига кирган солик явни йўлчи аввало йўлчилик явни тариқат азобларини тортишига тайёр бўлиши дозим: Асл мақсад сари йўналган сари. У ҳам пешвоз чиқа бошлигиди. У ким? У асл мақсад! Мақсад не? Ҳакиқат! Ҳакиқатдан мурод? Оллоҳ! Ғазалнинг матрасига қарасак:

1. Келур лайливашим, мажнунлигимни таън қилманглар
Маломат айлабон, бўйниларингиздан ишнманглар.

Шоир Севимлининг хажрида мажнунисифат дарбадарликка учради, ишқ саҳросида бошини қаёққа урарни билмай; Ёр номини тилдан кўймай, автори девоналийка юз бурди. Бу матлада Навонийнинг "Лайли ва Мажнун"идаги эпизод эслатилиб, ташбих сифатида ошик ҳолатини тасвирилашга ҳаракат қилинганд. Шоир ёр хажрида Мажнунга ўхшаб фарёд кўтармокда.

Напонийда Кайнинг Лайли дардидча чеккан оху фигонларини эшигтан элг унинг устидан кулади ва барча унга таъна килади:

Ўз холида кўрмайин саломат,
Эл ҳар саридан қилиб маломат...
Каттиғ сўз илаки панд этиб фош,
Девона бошига ёндурууб тош...
Бу леди: "Керак кулоғига панд".
Ул леди: "Керак аёғига банд..."
Солдилар ани уй ичра бехуд
Занжир ида айлабон мукайийд..

Мирий эса юкоридаги матлада унга маломат қилган ҳалқни ўзгаридан эҳтиёт бўлишигарини, ишқ шундай дардки, менга маломат қилиб, ўзгарингиз ҳам Кайсдаги ишқ түғенини босиш учун кўл бўғини боғлаб кўйғанликлари қаби бўйинларингиздан ишнманглар деб огоҳлантиради. Бирок байт руҳига диккат билан қаралса, бу огоҳлантириши эмас, кўпроқ чорловга ўхшаб кетали. Шоир ўзининг мажнунисифатлигидан хурсани. Мажнунлик, девоналийк Ёр ишқидан сарҳастлик оқибатидә рўй берган. Суғий учун бундан ортиқ қувонч

борми? Навоий ёзади:

Күйсалар Фарҳоду Мажнун ишқдин афсона деб,
Зоҳир этмаслар менга ул нуктани девона деб.
Ишқ ичинда мунгларим деб, эйки йиглаттинг мени,
Жон фидонг айлай, яна бир лаҳза йиглат, ёна деб. 14

Видоийда шу руҳдати мисралар анчагина:

Қўйики Мажнундек чинкаб элди, биёбонлар кезай
Яхшидур Лайли сўроғинда шубу иззат манго...
Айла зулфинг торини, эй маҳ, бўйнумда расан
Рўй бердиким бу дамда телбалик холат манго...
Токи оби гам била оғуштадур хоки таним,
Хуш келур ҳар неча текса ёрдин меҳнат манго,
Эй Видоий ҳар неча ёр айласа жавру жафо

Шукр этармен, чунки ранжидин эрур роҳат манго. (27а-варақ)
Гўзал висолига етишиш йўлидати машакқатлар ошикка хуш ёқади.
Чунки у ўрганишга ўрганиб қолган. Бироқ бу машакқатларга ҳар
ким ҳам чидай олмайди.

2. Тарик ишқ бас қаттиқ субатлиғ тарик эрмиш

Ризо дорини Мансури гар эмассиз, осилманлар.

Бу тарикни танлаган инсон олдида жуда кўп кийинчиликларни
бартараф этиш масаласи туради. Аввало Мансур сифат ўлимни
бўйинга олмас экансиз, бу тарикни интихоб этганингиз бефойда.

Не чобуклар бу йўл қатъида қолмишлар аёғидин

Багоят саъб эрур, бу йўлни азмин саҳт билманлар.

Бу ерда тилга одинган Мансур бирор бир ишкий қиссанинг
қаҳрамони эмас, реал тарихий шахсdir. Ҳусайн Мансур ул-
Ҳалложнинг исми Шарқ поэзиясида тез-тез учраб туради. У Илоҳий
ишқнинг буюк дардманди бўлиб, онгли равишда ўз таълимоти
йўлида жонини кўрбон қылган. У омма ўртасида ўз карашларини
тарғиб этаётган маҳалда кўпинчча хиссиятта қаттиқ берилганилиги
оқибатида ўзининг табиий ҳолатидан чиқиб, ошик учун висол
дамишларни яқинлаштиридиган ҳолга тушиб қолар экан ва бундан
ниҳоят ҳаяжонга тӯшгач, аниқроғи, "Ҳак васлига етишгач, ўзи ҳам
Ҳакнинг бир зарравий "нури" эканлигини кўриб, "Ана -л-ҳак", яъни
"мен ҳудоман" деб кичкириб юборар экан. Ўз даврица бу таълимот
яхши тушунилмади. Мансур "диндан қайтган коғир"ва "ҳудоликка

14. А.Навоий. Бадоев ул-васат. Ҳазойин ул-мөоний: МАТ, 5 жилд
Тошкент 1990, 50-бет

даъвогар”Даъви ур-рабубият” хукмни остида осиб ўлдирилади ва жасади ёкилиб, кули дарёга ташланади. Видоний айтганидек,

Келди ҳар катра қонидин “Ана-л-хак”нинг уни,
Чекилинар Ҳаллоҗин то зулм ишлар бар дори ишк.

Сўғиий анъаналарнда Ҳаллоҗ сиймоси илохий ишк дардига мубтало бўлган орнфлар узун лардкашлар йўлбошлиси ва ошиклар идеали бўлиб гавдаланади. Шеъриятда у ишқбозлиknинг мард Каҳрамони сифатида талкин этилади. Видоний учун Мансур поклик мезонидир:

Оссалар Мансур янглиғ ишк дорига букун.
Покмен, не ғам, инар ҳак лутфидин раҳмат манго.

“Ана-л-хақ”лик тасаввуфда қандай тушунилади? Оллоҳ оламни яраттаги, ва жамъики мавжудот ва маҳлукот унинг илохий нурларидан мунахвар бўлган. Шу жихатдан моддий дунёнинг ҳар бир нарсаси- илохий. Бу дунёда энг кўп илохий файз инсонга насиб этган. Инсоннинг руҳи оллохининг кичик бир зарраси эканими, демак у оллоҳдир. Тасаввуф оламининг юрик шайхларидан бири Азиз Насафий моддий дунёнинг шаклу сурати илохий матмуи(маъни)нинг ва Ҳак вужудининг кўрининшидир дейди. Шу жихатдан бу дунёни “шуҳудлар олами” ва “субутлар” (исботлар) китоби леб аташи мумкин. Ҳак бир китоб бўлса, инсон бу китобнинг киёқарттирилган нусхасидир. Шунинг учун “ким уйибу кичик китобни ўқий олса, катта китобни ҳам ўқий олур”.. Бу эса моддий олам ва инсон орқаси Оллоҳни таниш мумкинлигини билдиради. Р.Николсоннинг фикрни билан айтганда “Ўз қалбларингизга каранг, - дейди сўфиий, - Оллоҳнинг даргохи сизнинг ичингиздадир. Бироқ “оллоҳ инсоннинг қалбида” дегани тасаввуфда илохий ишқнинг оғир эканлиги ҳакидаги фикрларга карши эмасми? Оллоҳ унинг қалбига экан, ошикка кийиалини на хожат? Йўқ, ундан эмас. Ошик учун асосий масала- Ҳак висолига етишиш унинг жамолини кўриш. Бироқ А.Насафий айтганидек, Оллоҳ сутдаги ёғ ва бодом мағзидаги мой каби бу оламда пинҳон. Уни кўз билан кўриб бўлмайди, фақатгина сенни мумкин. Видоний ҳак :

Келмагунча то бағир парголоси кўз йўlliдини
Дема осон кўргизар майшук двайдор, эй кўнгул.

Солик нима қилиши керак? Биринчи галда у олдидағи тўсиклардан холи бўлшини керак. Оллоҳ йўлидаги бу тўсиклар ошиқ тани ва унга

бөглиқ нарсаларда мавжуд бўлиб, инсон ҳарактеридаги салбий хусусиятлардан иборат. Бу ўринда Навоийнинг

Бирорга мусаллаам тариқи тасаввубуф
Ки зотида мавжуд эрмастур таҳаллуф

байти тасаввубуф тариқати вужуди пок кишларниң тариқати эканлигини яна бир карра эслатади.

3. Гаҳи тӯғонға, гоҳ ўтға, гаҳи Жайхунға фарқ айлар

Асарсиз ишқ ила оворалингларда қирилманглар.

4. Кўюнг, ахбоблар, афғон чекиб конлар ютай ғамдин

Ки мен девонамен, девонани ёнига келманглар.

Инсон шундай тузилганки, унинг вужуди беҳисоб иллатлару гуноҳ ишларга мойиллигидан ўзининг асл моҳияти (оллоҳ нури-оҳир оқибат оллоҳга яна кўшилиш!"ни йўқотиб, Оллоҳ висолидан тобора узоклашиб боради. Ибн Туфайлинг (1185 й. вафот кильтган) бир киссаси Каҳрамони кимсасиз оролда ўсади ва ўз тафаккурни кудрати билан илоҳий моҳиятга етмоқчи бўлади ва сүфий сулукини макомдан тортиб, тавҳидгача - оллоҳ билан кўшилишгача бўлган йўлини босиб ўтади. Бир куни бу оролга Асал исмли бир тақводор киши келади ва унга ислом динини тарғиб қилади. Каҳрамон иккни нарсани тушуна олмай кийналади. Биринчisi, нега бу тақводор илоҳий оламни тасвирлашда, -деб ўйлади у, - кўпинчча афсоналардан фойдаланади? Нега у инсонлар Ҳаққа сифинишининг турпи формаларини (динларни) ўйлаб топганларини очик тушунтирмади? Иккинчisi, нега у диний расм-руслар қобигидаги мажбуриятларни бажаришга ундейди ва инсонларга мол-мулқ билан шугулланиш ва гизога ҳирс кўшишга йўл очиб берганки, инсонлар бефойда ишлар билан машғул бўлинб қолганлар ва Ҳакиқатдан юз ўгирганлар.

Кисса Каҳрамони шундан сўнг инсонлар жамиятига келади ва улар билан тўқнаш келгач, одамнинг онги бузилганлигини, ўз асл моҳиятини йўқотганлигини кўради ва уларга асл қиёфашарини тиклаш учун тақводор айтган йўлдан ўзга кутулиш чораси йўклигига амин бўлади. Ошиқ ўз вужудини қамраб олган ёвузликлардан кутилиши лозим. Бунда Мирий айтганичалик "кўп афғон чекиб, конлар ютиш" керак. Инсон "ишқ" дардида девонага айланмоғи лозим, девона эса, маълумки, "бу дунёнинг ифлосликларию шаъну ҳашаматидан" фориғ кимсайдир. Алишер Навоий ҳам:

Не ажаб, гар бор эсам девонавашлиғ бирла хуш,

Ким кўнгул олган парирўйим эрур девонаваш.

деганда чукур фалсафий маънени кўзда тутади. Ахир, девонадек нафсу тамаъдан бегона, ҳирсу ҳасаддан йирок; молу давлатдан ҳасчалик фойда кў

ришни истамаган зот борми бу фоний дунёда! Вокеан, Ҳакнинг олий сифатлари унда мужассам, шу бойи Навоий девонавацлигдан хуш! Видонининг "девона кўнгли" эса аллақачон Ишқ водибсига йўл олган, унингдек аклу хунидан бегона кимса бу оламда йўк:

Рози дилим айнудек оқили фарзона йўк,

Ички сиримни маҳрами, ҳамдаму ҳамхона йўк...

Кўрки, биёбон аро вола сифат ҳар сори,

Водин ишқинг кезан мен киби девона йўк.

Тасаввуф назариясига биноан, мана шундай кийинчилик ғамлари оқибатидагина, инсон бу қасрат дунёсида ўзига юқкан маразлардан, тубанликлардан тозаланади ва ўзининг асл идеал қиёфасини тиклайди. Шундагина у ўзи қачонлардир ажралиб чиккан Мабдасига қайтади, яъни инсон Ёр vasliga етишади.

Покланини бу - ишқ тили билан айтганда Ёрга ўзни фидо қилмоқ. Мирий шундай дейди:

5. Фидо ул ой ғамига айладим жон, вахки жон топдим,

Асар гар бўйладур, шавқида ўлмакдин тирилманглар!

Ошук ўз вужудини палид унсурлардан тозалар экан, у камолотга эриша бошлайди, файласуфона таъбир билан "комил инсон"га айланиш учун харакат кила бошлайди. Бу харакат уни "рухоний йўл"га олиб чиқади. Бу йўл уч мезон билан белгиланади: бориш (ўзидан), етишини (илоҳий моҳият маъни билан қўшилиш) ва кайтиш (ўзига комил инсон сифатида). Бу йўл фано дея аталиб, инсон қалбига босиб ўтилади ва муракқаб паст-баландликлардан иборат. Бит ўз ишимиизда "фано" мағҳумини тушунтиришни мақсад қилимаганимиз. Зотан, Алишер Навоий айтганидек:

Дединг: "Фано недуур?" Мухтасар дейин: "ўлмак!"

Ки шархин тиласанг, куз рисола бўлгусидир.

Тасаввуф назариясида, киска килиб айтганда, фанонинг уч ногонаси мавжуд: 1. Ирфоний (маърифат орқали оллоҳни билиш). 2. Шуҳудий (оллоҳнинг тажаллийсини кўра олиш). 3. Вужудий. Ҳар бир ногона зотий, сифотий, феълий ва асарий номли қисмлардан иборат. Навоий пазарда тутган ўлим хаётдан кўз юмиш эмас, балки рухни вужуд шаклидаги зиндоидан қутказиб, вужуднинг ўзини рухга асир этиши демаклир, очикроқ килиб айтганда, инсон тирик бўлса-да, унинг вужуди бу молдий дунё "хавою ҳаваслари" учун ўлган бўлишини керак. Шу жиҳатдан Мирийнинг юкоридаги байтини куйидагича тушуниш керак: "ул ой ғамига ўзни фидо килдим, бироқ бошқача йўсинада тирилдим. Мен бу йўлдаги кийинчиликларимнинг асар натижасини кўрдим.(асар- биз юкорида айтиб ўтган фано макомининг бир қисми)

Бу менга шундай завқ багицладыки, энди орқага қайтишни истамайман". Албатта, бу ерда шоирнинг матлаби илохий ишқ мазмунини англаганилиги, ёр васлига етишишдан ўзга инсоний талаб-эхтиёжлар мажмуаси бүмоддий олам касратининг бефойда гўлгуласи эканлигини тъкидлаш эди.

Видоий ғазалида ҳам бу қайфият устивор:

Манго не сабр, не таскин эрур, не манзилу маъво
Ки ишқидин тушуб бошимга юз минг шўришу ғавго...
Килурмен кўб тамакко кўргали жонона дийдорин,
Нетай, бордур залолат шумидин кўнгил кўзи аммо...
Видоий ҳок бўл, гар этмак истарсен фано хосил,
Фанодин тоити пайғамбар уружи курби Аварио.(116)

Шоир Жонон жамолини кўриш учун кўп ҳаракат қиласди. У жуда бесабр, бирор ерда кўним топа олмайди. Аммо тасаввуф назариясида сабрсиз ошик Ҳак жамолидин бенасиб, сабр ва матонат орқалигини фано йўлини босиб ўтиш мумкин. Аммо шоир нима қиласин, бу ишқнинг қалбга тўшган чўги шуничиликка етдики, акли-хушидан бегона бўлди ва бошига "юз минг шўришу ғавго" ёғилди. Инсоният ва жамият боши узра кора кузунулардек жонталаш Нафс, Тамаъ, Ҳудбинлик каби ёвуз иллатлар ошикнинг қалбини, осмонини, атрофини тутиб туришибди. У сабр қиласай, атрофии ёвуз кузуну қалхатлардан тозалаб, Ёр жамолини кўрай дегунча унинг кўнини кўзини чўкиб кўр қилишибди. Энди ошикка таскин ҳам йўқ, манзил ҳам, маъво ҳам йўқ. Энди илинжи факат фанода. Фано - факирлик, хоккорлик. Унинг учун Навоий айтганидек:

Тарики ишқдин булмини манго бало малхуз,
Нечунким факр тилардин эрур фано малхуз...
Фириб берма манго иштиходин, эй зоҳиц
Ки бордур аҳди ҳакикатда ибтидо машхуз.

Фано йўлини сўдқат билан кўзига сургани учун Пайғамбар Оллоҳ манзилига кўтарилди ва "Ав-адно" мақомидан ўрин тутди. Ошик Видоийнинг ҳам умиди катта. Бироқ Навоний айтмокчи, узуд аҳли ўзлатга чекиниб, нариги дунё ғаними ерлар ва олам иштиҳоси кайғусидан гапнорадилар. Ҳакикат аҳли буни гиқкор этмайдилар, аммо улар дунё фалсафисини яхширок биладилар. Бу хусусда Видоийнинг ўзигу байти ўрнили:

Топмагунг йўл то фано жомидин этмай бода нўш,
Гарчи, эй зоҳид, эшигингдур қаиф ила одат ҳарқ.
Инсон зоти Оллоҳ нуридан тарқаган ва охир-оқибат ўз аслига қайтиши муқаррар (Куръонга биноан: илайҳи масир). Моддий борлик гўзалликлари Илоҳнинг нури билан равшан ва инсон шу нурлар огушида камолотга етади. Шу важдан Мирий:

7. Харобот аҳди, ринд аҳлигадур майхона бас манзил

Риёлиғ шайху зухди худнамо, сиз мунда кирманглар,-
дек ишк оташкаласида жигар-багри күйгөн ошикларни холи
күйишларини сўрайди. Бунга Навоий шундай сабаб келтиради:

Не хирад, не хун биздин истангиз, эй аҳди зухд,

Ишк лол этган кининда қайси хушу не хирад?

Ёр кўйинда ошик ўзигини йўқотади, унинг висолига етишиш
насиб килмаса ҳам, ҳеч бўлмаганди унинг итлари қаторида бўлса-ю,
ҳамма вакт ёр жамолини кўриб турса:

8. Ул ой васлин истаб, элга бердим наиг ила номусни,

Харими курби гар йўқ, ит қаторидин айирманглар.

Гарчи Навоий деганидек, "ул ой кўйин ичра итларининг сони йўқ" бўлса ҳам Миринин илтифотлари или хушиуд этса бас. Зоро, у шундай дардмандки, бу йўлда ору номусини йўқотгандир. Юқоридагиларни ёзишда Мирий Навоийдан илҳомланган бўлса не тоон:

Тўрт аёғланиб итинг хайли аро мен мажнун,

Гар кесак отсанг ўтпай, гар сўнгак отсанг кўмурай.

Хаёт- гўзал. У бир чаманига киёс қилинади. Ундаги ранго- ранг туллар, ўсимликларнинг танг ҳузур бағишлагувчи мутаттар хиллари ҳар бир кишига бекиёс завқ-шавк бағишлайди. Бироқ Мирий бу чаманига бокиний истамайди:(9).Чаманга Мирий бокмас, шавки тулзорин ватан қилгач, Сиз эй, аҳбоб, сайри боғ учун озор берманглар.

Ошик шонир ёрнинг сийратидан, суратидан, меҳридан, кўзидан, борингки, бутун борлигидан тараалётган мафтункор сержило нурлар гулзори шавқидан бехуд ва ўзини ўша борликдан ташқарида сезишга журъати ҳам, инон-ихтиёри ҳам йўқ.

Уига нешивоз чикаётган Гўзалдан тараалётган сархуш ҳидлардан маст бўлган ошикнинг моддий олам гулзорига унча эътибор бермасдан ўтиб кетниши тушунарли. Бундай кўзини кўр, кулогини кар, ўзини мажнун айлаган ошикка озор бермасликларини сўраш газил мақтасининг мазмунидир.

Кўриниб турибдикки, Мирий газалининг ушбу мактаси матла билан узвий бояланади.Газал бошида унинг мажнунлиги учун таъна ва маломат қилемасликларини сўраб ёлворгани газил давомида ички кечинмаслари ва фалсафий мушоҳадалари фонидаги очиб борилади. Мактада эса Мирининг Ёр шавқидан мастиларни унинг мажнунлигига сабаб бўлгандини кўрсатиб берилмоқда.Ушбу газал шарҳи воситасида биз Мирий ва Видоийларнинг умуман тасаввуф тарикатига бўлган

муносабатларини аниклашга ҳаракат килдик. Мазкур бўлганидек Қаттакўғон шоирлари Навоий ижодиётининг бош гояси бўлган тасаввуф фалсафасига жиддий эътибор берганилар ва ўз ижодларида Навоий руҳидан илҳомланганлар. Бирорқ биз уларнинг тасаввуфдаги қайси тариқат (мазҳаб)ни афзал кўрганиклари ёки кабулқилигинликлари хусусица бирор бир расмий маълумотга эга эмасмиз. Аммо уларнинг ижодларицаги гоявий йўналишилари Караб бу масалага аниклик киритиш мумкин ва очигини айтсанда, зарурдир. Зоро, мазкур Қаттакўғон шоирларининг тасаввуфнинг қайси тариқатига тобе эканлигини аниклаш XIX аср шоирларининг дүйёкарашлари, ўша давр жамиятида турли мавкега эга бўлган диний-фалсафий оқимларининг инсон хаётини бошқарувида тутған макомини кўрсатиб беради.

Модомики юкорида айтиб ўтилганидек, Алишер Навоий кейиниги барча ўзбек шоирлари учун ҳар томонлама, ижодда ҳам, ҳаётда ҳам тир макомидаги устод сифатида улуғланган экан, XIX аср шоирлари гасаввуф тариқатини таълашда улуг мутасаввиф шоир Алишер Навоийдан сабоқ олмаганинканлар?

НАҚШБАНДИЯ ОҲАНГИ

Маълумки, Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийга мурид тушиб, расмий равишда накшбандийлик йўлини қабул қиласди. У ўзининг Қаноат накшининг ифшосию, Накшбандия тариқининг адоси "ғарлавҳали қитъасида бу сулукнинг шарт-шароитларини баён килишда шундай ёзди:

Қаноат тариқига кир, эй кўнгул
Ки, ҳатм ўлгай ойини иззат санга.
Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдуур,
Бу бир тахту ул чатри рифъат санга,
Фано шўъласида ёшур жисмни
Керак бўлса зарбафт хильъат санга
Етар лола бўткан қоя ҳўлласи
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас ариғ нуктаву кон ёшинг
Дуру лаъдин зебу зийнат санга.
Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назирни кадамдин йироқ солмагил,

Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била руби маскун аро,
Чалимок, не тонг куси давлат санга
Бу оҳанг ила бўяласен накшбанд,
Навоий агар етса навбат санга. 16

Аввало накшбандия тариқати қаноат тариқидир. Дунёнинг барча иззату шарафининг ибтидоси шу сўз замирида жо этилгандир. Навоий асарларининг қаериға назар солманг, албатта қаноат билан тўқнашасиз. Ҳар бир байт қаноатдан дарак беради, Навоийнинг қаноатли қишини кўнглига боғни сайд қилиш фикри келса, осмон гулшанини томоша килиш билан кфояланади. Гўё осмон гумбази унинг уйининг нилуфар раңғ гумбазидир. Богининг саҳни эса кўк рангдаги осмонининг ўзири. Осмон ціланаси гўё унинг токидир. Нур сочаётган кўёш эса уйининг токидаги тўғарак шаклли накшдир. Кун унинг гулистонидаги гул, ой ўнинг шабистонидаги шамдир..."Ха, шундай ҳаёллар билан у қаноат қиласди, нағс истаклерини манъ этади.

Видоий ва бошқа Каттақўрғон шоирлари ижодида ҳам қаноат, сабр, факрлик мотивлари жуда кучли янграйди:

Факирлик касб этиб, дунё истиғносидин ўттум,
Қишиб моуманин таркин, жаҳон ғавғосидин ўттум.
Жуғун бозорида маъшуқ ила савдо ишқ айлаб,
Фани бўлдум, мен эмди бу замон савдосидин ўттум.
Чу дўкони муҳаббатда матои хусн этиб жамъи
Тажарруъ сўқига кирдим, бу дун колосидин ўттум.
Ки нири дайр илкисидин ичиб жоми муҳаббатни,
Фано раҳшига миндим, илм балосидин ўттум.
Кўнгул мулкин иморат айлабон меҳнат или бирла
Ки андин ком олиб, ҳою ҳавас маъвосидин ўттум.
Фараҳ топти машомим то гули рухсори олидин,
Жаҳон боғин гули садбарг ила раъносидин ўттум.
Фано роҳига азм этим, Видоийга видоз айлаб,
Майи саҳбо билан майхонанинг мийносидин ўттум.

Ёки яна бир ғазалида

То қаноат Қофининг күнжида бормен мунзавий

Сирру асроримга симурғ ўлмагай маҳрам манго,-
деб ўзини Тогнинг бир чекқасида тарки дунё қылган қаноати чегара
билимас мунзавий-дарвищга киёс қилади. Симурғ афсонавий күш
бўлиб, афсонавий Коф тогида яшайди. Тасаввуда Симурғ асосан
Ҳакқа нисбатан айтилади (Миръот ул-ушишок), бирок бу ерда таносиб
санъати воситасида тарки дунё қылган дарвишнинг бутун оламдан
ўзини пинҳон киличи Коф тогида яшовчи симурғнинг ҳам хеч ким
кўзига кўринимаслиги билан боғланади.

Десанг ҳилватим анжуман бўлмасун,

Керак анжуман ичра ҳилват санга.

Накшбандия шартларининг бири шу бўлиб, Навоий айтмоқчи,
тарки дунё килиб, ҳалқдан ажралиб тоат-ибодат билан шугулланиш
асосий талаб эмас,балки, кўнгулда Оллоҳдан бошқа маҳбуб
бўлмаслиги, кўнгилда ҳилват бўлиши, юқорида Видоий айтганидек,
" қаноат тогидаги мунзавий" бўлиб,оллоҳ ишқи билан кўнгил ичиди
тарки дунё қилишидир.

Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ул,

Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Ватан бу - инсон қалби! Инсон қалби билан сафар килиши
керак ва сафар шу қалб ичиди рўй берини керак. Буни қандай
тушунмоқ лозим? Тасаввуд биринчи галда инсоннинг комил
бўлишини, яъни илм жиҳатидан баркамол бўлишини тарғиб этади.
Инсон аввало ўзининг келиб чикиши, моҳияти, ботиний ва зоҳирӣ
Оlam билан муносабатиди ўрганиши керак. Ўрганиш қалб йўли
оркали амалга оширилади. Инсон ўз ибтидоси ва интиҳосини англаб
борар экан, қалбан ўзини поклаб боради. Демак билим - покланиш-
нинг гарови. Шунинг учун тасаввуд сулукидаги инсонларни - Ориф,
яъни билимдон деб атасади. Орифлар Ҳақ висолига этишини учун
билимлар воситасида унга яқинлашар эканлар, бу ўткинчи дунёнинг
зийнати вактинчалик эканлигини,аслида оламнинг бутун ёб-зийнати
факат Оллоҳга қўшилганидагина унга мусассар этишини англаб
борадилар. Видоий бир ғазалида:

Ўлтуруб бир ерда сайри жумла олам айламак,

Дайр пирицин биза бу рутбалар талкини эрур.

деганида ўзининг нақшбандия сулукида ишқ мактабини ўтаганилигига
ишора этган бўлса керак. У ёзди:

Қилма ҳар ноахл ила сухбатки йўқтур ҳосили,

Ким аният ҳар ён қаломидин сенга гайр аз садов

Зийнати дунёга кўп вобаста бўлма, қыл ҳазар,

Чунки ушбу макр илга айлар ҳалойикни хадоъ

Етмади максуда бил дунё арусин акд этиб
Хеч ким фаррош ўза не айлабон қымміш жамо.

Демак, бу йўлда ноахллар билан сұхбатдан қочиш керак,
чунки уларниң бефойда гаплари фақат бошға оғриқ киртрезишидан
үзасига ярамайды.

Назарни қадамдин йирок солмагил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санта.

Сен дарвешник йўлини таниладингми, энди шу йўлда событ тур!
Зеро, бу йўл жуда оғир, машаккатли йўл. Сен - покланаётган инсонга
Ҳақ муруват кўзи билан қараб, фарышталар алоҳида эътибор билан
сени кузатадилар ва раҳнамо бўладилар! Сен ўтган йўлингта ва
келажагингта ғоят масъуллик билан қара, Ҳакиқат йўлида ул олий
максадининг эришишида қадаминг сенга ҳамнафас бўлсин! Видоий бу
шартни ўз ғазалида қўйидагича шарҳдайди:

Деди бу сўзни насиҳатдин манго аҳли салаф,
Кильмагил нодонлар ичра гавҳари умрунг талаф.
Тонисанг не, эй ориф, танурсен тангрини,
Бор эрур бу сўз далилиға якин бил мин араф.
Жувъ-жуввинг қадрини бу гавҳари дил бирла бил
Топмади чунким баҳо гавҳардин айрилган садаф.
Чикма тўз йўлдан озуб, дониш билан магрут ўлуб,
Демади хеч кимса қажрағторни аҳли шариф.
Илми ноғеъ дерлар они бўлса гар холис амал,
Рутбан аъло мақомига муни бил қад, ҳалаф.
Кўркма шоҳлар зулмидин, эй солико, бу важхдин,
Деди ҳақ "мо дома султани алайк латаххаф."

Вилоний илм ўрганишини ҳар бир инсон учун шарт билади.
Бироқ илм орттиришга онгли суратда, юксак эътиқод билан
киришиш лозим, инсон ўз моҳиятини, жамиятдаги вазифаси нимадан
иборатлигини, хуллас, аввало ўз" жувъ-жувъ"и, яъни ҳар бир аъзосига
олий зот-Олиох томонидан юклатилган вазифанинг моҳиятини
ўрганими лозим, шундагина у Ҳакиқатнинг тагига етган бўлади. Акс
холда гавҳардан айри сотилган садафнинг баҳоси паст бўлиши
сингари унинг билимлари ҳам саёз бўлади. Окибат, орттирган
билимлари уни Ҳаққа якинлашиш ўрнига узоклаштириши мумкин.
Насими:

Нокис вужуда чунким, нуксон келур ҳамиша,
Жаҳд айла камол ул ким келмас камола нуксон.

деганидек, инсон нодонлар билан вактни бекор ўтказмасдан, ўзининг
комиллашуви йўлида илмларни жиддий ўрганса, донишмандлигидан
магрурланиб кибру ҳаво йўлига кириб кетмаса, ундан инсон
нуксониз бўдали.

Накшбандия тарикатининг яна бир шарти "Хуш дар дам" дир.

Дамингдан йироқ тутмагил ҳүшни,

Ки юзланмагай ҳар дам оғат саңға.

Оллоҳ ишқи күнглига ўт соглан инсон ўз ҳәєти маъниси ҳақида ўйлаши, Оллоҳ нури тажаллий этган барча гүзәлликлардан баҳра олиши, бирок тарикат одобидан четлашмаслиги, ҳамиша эс-хуши Оллоҳ зикрида бўлиши лозим. Видойи шундай қўшимча қиласи:

Бермагина умрунг риёзати дин, ҳамиша шод бўл

Очилиб садбарг янглиғ, сарвдек озод бўл...

Бу билан шоир тоат-ибодатдан воз кечишига чакирмоқчи эмас, башки таркидунёчилликка қарши чикмоқда, яни шариат қонун-қоидаларига катый амал қилиган хояда ҳалқ ташвиши билан кун кечиришига даъват этмоқда.

Бу шартнинг замирида ҳам қаноат, саховат, жувонмардлик каби инсоний фазилатлар ётди. Ҳақиқатда ҳам, агар қаноатли бўлсанг, бирорвга ҳасад қилиб жигибийров бўлмайсан, ҳасадлўй эса сенинг ҳасад қилишига арзигуллик мол-мулқинг бўлмаганлиги сабабли сенга қарши иғто қилмайди, оқибатда озор кўрмайсан. Демак, Оллоҳни бир нафас, бир сония ҳам ёддан чикармаслик инсонни қаноатли, маданиятли, сертавозеъ, одобли бўлишига олиб келир экан. Бу фазилатлар киши бошига ёғилувчи ҳар қандай оғатдан сақлайди. Шу борада Видойи ёзди:

Эйким, тиларсен ал ичида бўлмога азиз.

Англаб ҳар иш ҳақиқатин, вазн ила қил қалом.

Бўлсанг бо вужуди бу хислат, кушодарўй

Тоғ йўқ, бўлса жумлни олам санго гулом.

Нафъики бордур ўздин ўтуб, элга кўр раво,

Гар истасанг ҳамиша бўлай соҳиби эҳтиром.

Ўздин кичикка хулқ ила варзида қия адаб,

Токим дегай улус сани бас олий ул-киром.

Демак, хилват дар анжуман - қаноатли бўлиши шарти:

Сафар дар Ватан - ҳар томонлама мукаммал илмга эга бўлиш;

Назар дар қадам - мулоҳазацзорлик, садоқат, вафо, босиклик каби инсоний улуғворликка хос ҳислатларга эга бўлиш:

Хуш дар дам - Оллоҳ буюрган ахлоқ нормаларига риоя килиши, хушахлоқлик, маданиятлилик, хоккорлик, камтарлик ҳислатларига эга бўлиш шарти экан.

Булар ҳаммаси "Дил ба ёру даст ба кор" шиори остида, яни жамият ичида ҳамма қатори яшаш, бирок күнгилда факат Оллоҳ номидан ўзга сини инкор этиши концепцияси оркали бажарилади. Бу ўринда Видойининг зоҳидга мурожаати эътиборга лойикдир:

Маҳзи тоат бирла, зоҳид, бўлма занги сарфароз

Ишк ўтидинг то дилу жонинг сени толмай гудоз.

Истасанг топмоқ агар такву риёзатдин самар,

Токи мумкин сұхбати ножинсдин киль эҳтиroz.

Гарчи тоатдин ўлди каşфу арвоҳу малақ,

Сакла ичда; килма ушбу нүктадин ифшойи роз,
Сайр қылсанг торами айлони, курби Ҳақ топиб,
Кетма ўздин, бал тазарруъ бирла кил ажзу ниёз.
Хар иеким қияднинг иболат, барча номакбулдур,
Бўлмаса тар ўқумингда бохузур дилда намоз.
Қўй бу тақлини ишииг, то совуқ бўлмай танинг,
Фикр этиб ушбу сўзимга хўб қилғил имтиёз.

Юкоридаги мулоҳазалардни кўриниб турибдикি, Накшбандия тариқати ўз даврида жамият этик-эстетик қарашларини, инсоният лаънавиятигининг соғлиги учун курашган таълимот бўлиб, инсоннинг нараф топишнда бениҳоя катта роль ўйнаган. Шу туфайли Навоий:

Бу тўрт иш била рубли маскан аро,
Чолинмок не тонг кўси давлат санго
Бу оҳанг ила бўлғасен накшбанд,
Навоий агар этса наъбат санго,-
иеб бу тўрт шарт инсоннинг ақидасига айланса, у жамиятда улут тавлатга, иззат - хурматга сазовор бўлишини уқтиради. Вокеан, ҳалол ап.

Юкоридаги кузатишлардан билинадики, Каттакўргон шоирлари жоҳодиша накшбандия тариқатининг элементлари жуда кучли бўлиб, ўз уларининг шу тариқат вакиллари эканлигидан далолатдир. Бунинг ина бир сабаби, бу музофотда накшбандия тариқатининг кўзга сўриниш намояндалари Носириддин Убайдуллоҳ бинни Махдум аш-Шоий (Хўжа Аҳрор), Сўфи Оллоёрларнинг таъсири ниҳоятда сатта бўлганилиги ва асосий омма шу тариқат сулукини гутганлигидар. Бироқ шунни эътиборга олиш лозимки, Каттакўргон шоирлари ижодидаги ғоявий эътиқод тараннуми, шаксиз Алишер Навоий ижодини, унинг фалсафий асосларини, улут шоир ва лутафаккир ҳаётининг ибраторумуз кирраларини ўрганиш ва ижодий ёзлаштириш натижасида дунёга келгандир.

ИНСОН ҚАЛБИ - ИРФОН МАХЗАНИ

Инсон ким? Инсон нега яралган? Бу саволлар бাসыда оламни идрок этиш, сирру синоатга бой бу дунёнинг ибтиносини англаш учун оний тасаввурга берилган ҳар бир кишининг онгу шууридан жавоб излаши табиий.

Марксизм-ленинизм таълимоти инсоннинг маймундан тарқапшыб, ривожланиш эволюциясини маъкулласа, дунё диниярининг барчаси инсон худо томонидан яратилган деган акидани биринчи ўрнига суради. Охирги йилларда бизнинг мамлакатимизда ҳам бу масала әтрофида катта шов-шувлар күтарилимокда. Башорат килувчилар ўтмиш ва келажакни кўрувчи ҳамда оддий инсонларга нисбатан ўз вужудида кучли биоэнергияга эга бўлган шахслар илмий ўрганиб чиқилиши натижасида экстрасенслар уюшмаси тузилди. Сал ўтмай бу уюцмининг илмий кузатувлари фан оламида қатъий ўзгаришлар кирила бошлади. Чунонча, шу давргача инкор этиб келинган "ташки олам мавжудотлари" билан алоқа ўрнатиш, гайритабии Космик Ақл ва инсоният онгининг осмондан бошқарнилиб турилиши ҳакидағи илмий кузатишлар кишилар онгига иядиз отган маркесча "оламни билиш назарияси"ни шубҳа остига кўйди. Шунингдек, инсоннинг маймундан тарқамаганлиги хусусида фикрлар ҳам ҳозирги пайтда қент илмий жамоаларда эътиroz уйғотаётганлиги йўқ. 17

Минг афсуским, шу пайтгача улуғ мутафаккирларимиз Иби Синю, Беруний, Форобий асарларида Рух, Инсон яралиши ҳакидағи таълимотларнинг магзини чакмасдан, алломатаримизга "ўз даври диний қобиги"дан чиқа олмаган, "замон тақозоси билан ўз таълимотини динга улаган" каби хотўғри айномалар кўйиб келдик. Инсониятнинг қадимги цивилизациясидан тортиб асрлар оша ўтиб келаётган ва сўнглар Юнон маданияти, Шарқу Farb Уйғонин даври маданияти сифатида бир турдан иккинчи бир турга айланыб, бизнинг кунларимизгача этиб келаётган Ҳақиқат ҳакидағи Буюк Ташлимот ўзгармасдир. Болгариялик машхур башоратчи Ваңганинг таъбири билан айтганда, "Инсоният якин йилларда шундай қашниётлар оламига қадам қўядики, кўп нарсаларни идрок этишидан акли лол қолади ва уларнинг жавобини қадимий китоблардан топажак". Алишер Навоий ҳам, кейинги давр ўзбек шоирлари ҳам мана шу Ҳақиқатга бўйсунгандар:

17. Назаров М."Рухлар абалийми?" //Фан ва Турмуш. 1990-Н10,26-27-бетлар.

Эй санга мабдаъда абаддек азал
 Зоти қалиминг абадий ламъязал.
 Не бўлуб аввалин бидоят санга,
 Не келиб охирда ниҳоят санга...
 Сен эдину бас яна маңжул йўк,
 Жилва қилиб ўзунта ўз хусунинг ўқ...
 Жизван хусунита чу йўқ эрди хац,
 Кўзгу керак бўлди анга беадад...
 Восита бу эрдики қилдинг тамом,
 Кўкни тўкўз лавҳан ойинафом
 Бўлди сафо важхида ҳар ахтаре
 Кўзгу киби хусунинг учун мазҳаре...
 Кўкни қилиб сафҳаи мину киби
 Айладини ул сафҳани кўзгу киби...
 Сўнъунг этиб конни муламмаш гуҳар,
 Хукмунг этиб тоғни мурассаъ камар.
 Тонти ёғин ришиаси чун баҳри соф,
 Ер илигин қиздиги анга ҳўллабофф...
 Мунчагаронибки мисол айладинг,
 Барчани миръоти жамол айладинг.
 Ганжинг аро нақд фаровон эди,
 Лек баридин гараз Инсон эди. 18

Демак, моддий оламини яратилишидан мақсад - **Инсон!** Моддий бортиқининг барча тўзатликларию ноз-неъматлари инсон даҳосининг камолотини таъминлаш учун яратилган. Камолот эса Ишқ атамлиш тулхан ҳароратида туғизади. Оқибат ул-амр, комил инсон Ҳакнинг беадал кўзгуларининг энг "шарифи"га айланади. Навоий кўйида айтганидек, яратилишларининг энг беавази - тенгсизу бебаҳоси бўлган Инсонга унинг кўнглини билимлар хазинаси қилиб қўйиш ва бу "хазина"нинг тилсизларини ечиш орқали унда пинҳон бўлган Ҳакни таниш вазифаси юклатилган.

Офаринишидин қилиб Инсон гараз.
 Они айлаб ҳалқ ичинда беаваз.
 Кўнглини онинг маҳзани ирфон қилиб
 Ул тиънем ичра ўзин пинҳон қилиб.

18. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр. МАТ,7-жилд, Тошкент, 1991, 20-21-бетлар.

Шунинг учун ҳам Инсон бошқа маҳлукларга (яратилғанларга) нисбатан күпроқ эхсонга (онг, тил) сазовор бўлғанки, у моддий оламда акс этган Ҳақ жамолининг зуҳуротидан Ҳақининг нечоғлиқ, юз бор, минг бор, миллион бор кўркампроқ эканингини англанинг Ҳақиқий ишқдан маст бўлиб, билимлар военгасида ул Олдий Зонга қараб интилмоғи даркор. Қадимги юони файласуғи Илотининг таълимотида шундай дейилади: Бу дунёда жонениз нарсанинг ўзи йўқ, барча нарсаларга жон ато қилинган. Бирок фақатгина инсон руҳи Илоҳий руҳ билан яқин алоқага (бирликка) эга. Шу сабабли инсон руҳи ваҳдатга қараб интилади (инсоннинг энг олий мақсади-жисмоний қолипдан кутулиб, илоҳий ваҳдатга қайтишидир. Бунинг щарти борликнинг илоҳий гўзалигини сезиш ва ахлоқий ҳаётини такомилластиришидан иборат. Яъни:

Қайси тарафким анга бериб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.
Балки бўлуб ўзлути ҳам бартараф
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.
Ким бу сифат ишқда мағлуб эрур,
Ҳар ҳеки андин келур, ул хўб эрур... 19

Элга шараф бўлмади жоҳу насаф
Лек шараф келди ҳаёву адаб...
То бу васила била топиб қабул
Мақсади аслий сори бўлғай нузул. 20

Мухйиддин иби ал-Арабий, факаттинг у эмас, тасаввуф фалсафасининг бошқа йирик нуктадонлари ҳам Одлоҳ ва дунёни шундай тушунадиларки, ҳис этилаётган нарсалар Денизининг юкори қисмидаги пайдо бўладиган тўлқинлар бўлиб, агар унинг моҳияти англанса, у Ҳакдир, агар унинг асмовъ ва сифоти нуктани натаридан қаралса, айтиш мумкинки у оғарининг ёки ҳалқидир (яратилғандир). Зоро, Ҳақ ўзининг тажаҳлийисида турлича ва хилма-хилдири. У дунё, борлик, Аммо моҳиятнинг ваҳдатлигига қаралса, Ҳақ ҳалқ эмас.

19. Навоий А. Ҳамса /Напирга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, 1960,

87-бет

20. Ўша асар. 71-74-бетлар.

Навоийда бу фикр поэтик оҳам қасб этади:

Барчасин ҳак зоти мавжи баҳри бил,

Хам вўждуни мавж янглиғ англағил. 23

Ҳак инсон қалбида "ниҳон", уни англаш учун қалб "билим ҳазинаси" килиб кўйилган. Азиз Насафий айтганидек, кипи қалби "кичик олам" (олами сўнро). Навоийнинг бир газалида бу қараши шундай шарҳланади:

Не тонг, гар олами кўбро эсам, ҳар катра ашким чун

Тенгиздектур, ичинда юз тутган ҳар кайси гардундек.

Инсон, аввало, ўз қалбини ўрганиши зарур. Кичик олам орқали катта олам (олами кубро) - Ҳакни англаши мумкин. Шу жиҳатдан тасаввуфда инсон ўзини ўрганиши, вужудидаги барча яхши, ёмон хислатларни таҳқик қилиши ҳақидаги таълимот унинг асосий бурчи дарражасига кўтарилади:

Мутда гар яхши таҳайюл айласанг,

Ёки ишк сиррин тааммул айласанг.

Муттасиф бўлсанг сифатиллоҳ ила,

Жазм этарсен хотири оғоҳ ила

Ким сен - ўқ сен ҳарнеким максуд эрур,

Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.

Зотнинг ижмолига тафсилсен

Ҳам вужуд ишколига таавислен.

Ўз вужудунига тафаккур айлағил,

Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил. 24

Иброҳим Ҳаккул Юнус Эмронинг тили билан "Илм-ўзни билмакдир. Сен ўзингни билмассан, бу нечук урунмакдур" дейди. Илмининг инсон тақдиринга масъуллиги худди шу нуқталаардан бошлиланади. 25 Видоий фикрича, гавҳар ва садаф бирликда кийматга эга, инсон ўз "олами" ни катта оламдан айру кўрмаслиги керак:

Жузъ-жузвининг қадрини бу гавҳари дил бирла бил,

Топмади чунким баҳо гавҳардин айрилган садаф. 64а

